

КУН МАВЗУЛАРИ

"Аномал иссиқ". Ўзбекистон электр истеъмолида рекордни янгилади

10 дақиқа аввал



Пойтахт Тошкентда асосий кўчаларга сув сепилмоқда.

Ўзбекистонда аномал иссиқ, айрим ҳудудларда ҳаво ҳарорати 45 даражадан ошиб кетди.

Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон республикасида иссиқ туфайли болалар боғчалари ёпилди.

Энергетика вазирлигига кўра, 14 июль куни Ўзбекистон ягона энергетика тизимида суткалик электр истеъмоли 284 млн кВт/соатга етиб, рекордни янгилаган.

Меҳнат инспекцияси иш берувчиларга очик ҳавода бажариладиган ишларни — соат 11:00 дан 16:00 гача чеклаш ёки вақтинча тўхтатишни тавсия қилди.

Озодлик Facebook



Озодлик Telegram




Озодлик Instagram



| Сув пуркалган кўчалар

Пойтахт Тошкентда аномал иссиқ кузатиларкан, асосий кўчаларга сув сепилмоқда.

“Кўчаларга транспорт ҳаракати кам бўлган вақтларда сув сепилмоқда. Аҳолига зарурат бўлмаса уйдан чиқмаслик ҳақида тушунтириляпти, уй ва уйсиз ҳайвонлар ёрдам бериш тавсия этиляпти”, - деди Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Озодлик суҳбатлашган ходими.



#диққат #тарқатинг

🚒️ 🚑️ ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ХИЗМАТИ
ОГОҲЛАНТИРАДИ!

🌡️ 13 июлдан 17 июлга қадар Ўзбекистонда ҳаво
ҳарорати +43...+46°C гача кўтарилиши кутилмоқда.

⚠️ Мутахассислар қуйидагиларни тавсия қилмоқда:

- 🕒 12:00 дан 16:00 гача зарурат бўлмаса, кўчага чиқманг.
- 🧒 Ёш болаларни қуёш тагида ёки ёпиқ автомашинада қолдирманг.
- 🥵 Иссиқда узоқ вақт қолган овқатларни истеъмол қилманг.
- 💧 Кўпроқ сув ичинг ва имкони борича сояда бўлинг.

🌟 Эҳтиёт бўлинг, саломатлигингизни асранг!

Достлар билан улашинг!

УСЛАМНИНГ НАМАСЛАРИ

Фавқулодда вазиятлар вазирлиги аҳолини зарурат бўлмаса уйдан чиқмасликка
чақирмоқда.

Фавқулодда вазиятлар вазирлиги аҳолини зарурат бўлмаса уйдан чиқмасликка
чақирмоқда.

*“Ўзбекистонда дахшат иссиқ, термометр 40 даражани кўрсатяпти, қуёш гўё
бошимиз узра турибди!” дейди тошкентликлардан бири ижтимоий тармоққа
юклаган видеосида.*

| Темир ва шиша бекатлар

Тошкентда кузатилаётган аномал иссиқ фонида аҳоли янги қурилган автобус бекатларидан норози бўлмоқда.

Улар темир ва шиша конструкция асосида қурилган янги бекатларда 40 даража иссиқда автобус кутиш азоб бўлаётганини айтишади.

“Мана Чилонзорда қуриб қўйган бекат, атрофда битта дарахт йўқ”, дейди пойтахтлик аёл ижтимоий тармоққа юклаган видеосида.

| 17 июлгача аномал иссиқ

Ўзбекистон Гидрометеорология маркази келаси кунларда айрим ҳудудларда ҳаво ҳарорати 46–48 даражага кўтарилиши ва аномал иссиқ 17 июлгача давом этиши ҳақида огоҳлантирган.

Юқори ҳарорат сабаб суюлтирилган газни ортиш-тушириш ишлари, асфальт ётқизиш каби ишлар куннинг энг иссиқ соатларида вақтинча тўхтатилади.

Ижтимоий тармоқда иссиқдан автомобил йўлида асфальт эригани акс этган видеолар ҳам тарқалди.

Ҳаво ҳарорати 42–44°C бўлганда асфальт қопламасида ҳарорат 70–75°C даражагача кўтарилиши мумкин.

Шу боис, Қарши шаҳри, туман марказлари ва уларни боғловчи автомобиль йўлларида йўлларни асраш мақсадида оғир юк машиналари ҳаракати ҳар кун соат 09:00 дан 19:00 гача чекланадиган бўлди.

| Боғчалар ёпилди

Қорақалпоғистон ва Хоразмдаги давлат ва нодавлат боғчалари аномал иссиқ сабаб вақтинча ёпилди.

Жазирама нафақат одамлар саломатлиги, балки энергетика, қишлоқ хўжалиги ва таълим тизимига ҳам таъсир кўрсатмоқда.

Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги маълум қилишича, бошқа ҳудудларда ҳам боғчаларни вақтинча ёпиш масаласи ҳокимликлар, Санитария-эпидемиология хизмати ва "Ўзгидромет" билан биргаликда муҳокама қилинмоқда.

Қарор республика бўйича ягона тартибда эмас, балки ҳар бир ҳудуддаги об-ҳаво ва санитария вазиятидан келиб чиққан ҳолда қабул қилинади.

Меҳнат инспекцияси иш берувчиларга очиқ ҳавода бажариладиган ишларни — соат 11:00 дан 16:00 гача чеклаш ёки вақтинча тўхтатишни тавсия қилди.

Инспекцияга кўра, ишчи-ходимлар етарли миқдорда салқин ичимлик билан таъминланиши, дам олиш учун соя-салқин жойлар ташкил қилиниши керак.

Davlat mehnat inspeksiyasi

ISH BERUVCHILAR UCHUN MAJBURİY TALABLAR
KECHIKTIRIB BO'LMAYDIGAN CHORALARNI KO'RING!

- 1. **ISH VAQTI, MEHMONIYAT VAQTLARINI**
Kechiktirib bo'lmaydigan choralar: Ish vaqti 11:00-16:00 soatlarida cheklash yoki vaqtincha toxtatish.
- 2. **ISH VAQTI DASH VAQTLARINI**
Kechiktirib bo'lmaydigan choralar: Ish vaqti dashi vaqtlarini cheklash yoki vaqtincha toxtatish.
- 3. **ISH VAQTI DASH VAQTLARINI**
Kechiktirib bo'lmaydigan choralar: Ish vaqti dashi vaqtlarini cheklash yoki vaqtincha toxtatish.
- 4. **ISH VAQTI DASH VAQTLARINI**
Kechiktirib bo'lmaydigan choralar: Ish vaqti dashi vaqtlarini cheklash yoki vaqtincha toxtatish.
- 5. **ISH VAQTI DASH VAQTLARINI**
Kechiktirib bo'lmaydigan choralar: Ish vaqti dashi vaqtlarini cheklash yoki vaqtincha toxtatish.
- 6. **ISH VAQTI DASH VAQTLARINI**
Kechiktirib bo'lmaydigan choralar: Ish vaqti dashi vaqtlarini cheklash yoki vaqtincha toxtatish.

JAZIRAMA – ISH JOYIDAGI JIDDIY XAVFI

! Ish beruvchilar xodimlarning hayoti va sog'lig'ini muhofaza qilish bo'yicha kechiktirib bo'lmaydigan choralarni ko'rishi shart.

Batafsil ma'lumot infografikada...

Davlat mehnat inspeksiyasi

19 4 2 1

10.3K edited Jul 15 at 04:10

| Энергетикага босим

Энергетика вазирлиги маълум қилишича, 14 июль куни Ўзбекистон ягона энергетика тизимида суткалик электр энергияси истеъмоли 284 млн кВт/соатни ташкил этиб, ёзги ва қишки рекордларни янгилаган.

Шу куни мамлакатда қарийб истеъмол билан тенг миқдорда - 287,3 млн кВт/соат электр энергияси ишлаб чиқарилган.

Энергетика вазирлиги юқори юклама сабаб айрим ҳудудларда вақтинчалик техник узилишлар кузатилиши мумкинлигини билдириб, аҳолини электрдан тежамли фойдаланишга чақирди.

Электр тармоқлари ва подстанцияларда профилактик назорат кучайтирилди. Аксар энергетика объектлари 24 соатлик кучайтирилган иш режимига ўтказилаётгани айтилди.

| Туғруқхонага қаранг!

Фарғоналик блогер Дима Қаям ҳукумат раҳбарларини касалхона ва туғруқхоналардаги вазиятга эътибор қаратишга чақирди.

“Раҳбарларимизга таклифларимиз энг аввало шифохона, айниқса қишлоқ шифохоналарига эътибор қаратиши керак, кондиционер бор-йўқлигини билмайман, лекин кўп шифохоналарда кондиционер йўқ, айниқса юрак қон томири касалликлари шифохоналари ва туғруқхоналарда кондиционер бўлиши керак. Яна бир таклифим, шу иссиқ жазирама кунларда автомобилларга вақтинча бўлса ҳам тонировкага рухсат беришса яхши бўларди”, деб ёзди Дима Қаям тармоқдаги саҳифасида.